Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 299 (5290).
30 ДЕКАБРЬ 1983 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ВАТАН ТИНЧЛИГИ ВА ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган қонда ва хулосалар совет кишилари томонидан яқдил маъқуллаб кутиб олинди. Бу муҳим снёсий ҳужжат партия билан Совет давлатининг ҳозирги босқичдаги социал-иқтисодий снёсатини яққол акс эттиради.

Партия иқтисодий стратегиясининг энг муҳим проблемалари — ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети тўққизинчи сессиясининг диққат марказида турибди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

28 декабрь куни соат 15 да СССР Олий Совети палаталарининг Мажлислар залида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси бошланди.

Депутатлар **Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг Раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар Т. Ашимбоев, Я. П. Никулкин, М. А. Стельмахнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олди.

Сўнгра Иттифоқ Советининг депутатлари Давлат плани билан мамлакат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилишга киришдилар.

Иттифоқ Совети План-бюджет комиссиясининг раиси **В. А. Масол** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани билан 1983 йилда планнинг бажарилиши тўғрисида, СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети ҳамда 1982 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялар номидан қўшимча доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг сессия арафасида бўлиб ўтган Пленуми қарорлари, деб таъкидлади у, ҳар бир меҳнат коллективи юксак масъулиятни ҳис этиб, куч ва ғайратларни тўла-тўкис сарфлаб ишлашини, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан самарали фойдаланишини талаб этади. Барча планларимиз муваффақиятли амалга оширилишининг гарови мана шундадир.

Палаталарнинг доимий комиссиялари план топшириқлари умуман КПССнинг ҳозирги босқичдаги иқтисодий стратегиясига мос келади, деб ҳисоблайдилар. Эко номикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, халқ хўжалиги тармоқларида ва биринчи навбатда база тармоқларида ички имкониятлар ҳамда резервлардан фойдаланишни кучайтириш мамлакатни ривожлантиришга хос хусусиятдир.

Комиссия Озиқ-овқат программасини амалга ошириш масалаларини кўриб чиқиб, кўпчилик районларда агросаноат бирлашмалари колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотларнинг ишини моҳирлик билан йўналтириб турганлигини қайд этди. Айни вақтда агросаноат бирлашмалари агросаноат комплекси айрим бўғинлари фаолиятидаги мақкамачиликни бартараф этишга, унинг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишдаги камчиликларни тугатишга эътиборни кучайтиришлари керак.

Депутат СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат планини ҳамда 1984 йилги Давлат бюджетини ва 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, тасдиқлашни комиссиялар номидан таклиф қилди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Соат 15 да Катта Кремль саройида Миллатлар Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар **В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **В. П. Рубен** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар Ш. Р. Рашидов, А. К. Арамисов, А. А. Сурковнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олди.

Миллатлар Советининг депутатлари Давлат плани ҳамда мамлакат бюджети лойиҳаларини муҳокама қила бошладилар.

Миллатлар Совети План-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани билан СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги планининг бажарилиши тўғрисида, СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети ҳамда 1982 йилги СССР Давлат бюджетининг ижроси ҳақида СССР Олий Совети Миллатлар Совети план-бюджет комиссияси ҳамда бошқа доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

Нотиқ Миллатлар Советининг доимий комиссиялари Иттифоқ Советининг комиссиялари билан биргаликда 1984 йилги СССР Давлат плани ва Давлат бюджетини дастлабки тартибда кўриб чиққанликларини ҳамда белгиланган суръатлар ва пропорциялар партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларига мос келади ва улар халқ хўжалигини ҳар томонлама барқарор ривожлантиришга, ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини юксалтиришга ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган, деб ҳисоблашларини маълум қилди.

Келгуси йилга мўлжалланган план ва бюджет, деди нотиқ, ўн биринчи беш йиллик вазифаларини амалга оширишда янги, масъулиятли марраларни белгилаб беради. Ана шу марраларга эришиш меҳнат коллективларининг юксак даражада уюшқоқлигини ва бир маромда ишлашини, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бутун бошқарув соҳасида ташаббускорлик ва масъулиятни оширишни талаб қилади.

* * *

Музокараларда: Иттифоқ Советида — РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **В. П. Орлов**, Белоруссия СССР Министрлар Советининг Раиси **В. И. Бровиков**, Украина Компартияси Харьков область комитетининг биринчи секретари **В. П. Мисниченко**, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Б. А. Ашимов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. Ж. Худойбердиев**, СССР темир йўллар министри **Н. С. Конарев**, Москва шаҳар Красногвардейский районидаги 579-ўрта мактаб ўқитувчиси **З. В. Киселева** ва бошқа депутатлар; Миллатлар Советида — Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Ю. А. Коломиец**, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **В. И. Казаков**, Тбилисидаги Димитров номли авиация заводининг токари **Т. В. Ростнашвили**, Қозоғистон Компартияси Қизил-Ўрда область комитетининг биринчи секретари **Т. Есетов**, ВЦСПС раиси **С. А. Шалаев**, Могилев область Киров районидаги К. П. Орловский номли «Рассвет» колхозининг раиси **В. К. Старовойтов**, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари **А. Каримов** ва бошқа депутатлар сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг 28 сентябрь ва 24 ноябрдаги Баёнотларини ҳамда империалистик кучларнинг, айниқса, АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг милитаризми ва агрессивлиги кучайганлиги сабабли дунёдаги вазият яна кескинлашганлиги муносабати билан Совет ҳукумати кўрган чораларни яқдиллик билан маъқуллашларини билдирдилар.

Палаталарнинг мажлисларида депутатлар киритган таклифларни кўриб чиқиб, шу масала юзасидан СССР Олий Совети қарорининг лойиҳасини сессияга тақдим этишни ташқи ишлар комиссиясига топшириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Депутатлар ўз нутқларида Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ядро урушининг хавфини бартараф этишга, жаҳонни сиёсий ва ҳарбий кескинликни юмшатиш йўлига қайтаришга қаратилган сиёсатни қатъий ва изчиллик билан амалга ошираётганлигини таъкидладилар.

Нотиқлар қуйидагиларни қайд этдилар: совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети сессияси арафасида бўлиб ўтган Пленуми қарорларини, Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни қизғин маъқуллаб, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, Озиқ-овқат программасининг муҳим вазифаларини ҳал этиш учун курашга актив қўшилмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари ўзларининг зардбор меҳнати билан Ватанимизнинг мудофаа қудратини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга азму қарор бергандирлар.

* * *

Мамлакатимиз давлат ҳокимияти олий органининг тўққизинчи сессиясида СССР Олий Советининг депутатлари социалистик экономикани такомиллаштиришнинг энг самарали йўлларини белгиламоқдалар. 29 декабрь куни сессия Кремлда палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида ўз ишини давом эттирди.

Депутатлар КПСС XXVI съезди қарорлари қандай бажарилаётганини талабчанлик ва принципиаллик билан, чинакам омилкорона манфаатдорлик билан таҳлил этмоқдалар, коммунистик бунёдкорликнинг янги марраларини муҳокама қилмоқдалар, келажак учун тўғри хулосалар чиқариш мақсадида бутун диққат-эътиборни камчиликларга ва ҳал этилмаган масалаларга қаратмоқдалар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси очилди.

Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев ўртоқларни депутатлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг раиси **А. П. Шитиков** раислигида ўтди. СССРнинг 1984 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида соат 10 да Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни депутатлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Советининг раиси **В. П. Рубен** раислигида ўтган мажлисда мамлакатнинг 1984 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Иттифоқ Советининг мажлисида депутатлардан Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Б. Ёзқулиев**, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари **П. И. Третьяков**, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Шарқий Сибирь филиали президиумининг раиси **Н. А. Логачев**, Новосибирск область Сузун районидаги Куйбишев номли колхоз раиси **Н. Ф. Шишкин**, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси **К. Маҳкамов**, Калуга область Цветков номли давлат наслчилик заводининг директори **Б. П. Оконечников** сўзга чиқдилар.

(Давоми учинчи бетда).

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бу йилги сўнгги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов олиб борди.

Бир қатор муҳим масалалар, шу жумладан ҳавонинг шаҳар саноат корхоналари томонидан ифлосланишининг олдини олишга доир тадбирлар қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Кейинги икки йилда 105 газ тозалаш қурилмаси фойдаланишга топширилганлиги, 246 газ-чанг тозалаш иншооти реконструкция қилинганлиги ёки тартибга келтирилганлиги, шу билан бирга «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», абразив комбинати ва бошқа корхоналар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини қониқарсиз бажаришаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, шаҳар хўжалиги хизматларининг ишини яхшилашга доир масалалар тингланди. Иссиқлик билан таъминлаш системасининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бошқа бир қатор масалалар ҳам тингланди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

тонгги газеталарда

● Мамлакатимизда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Меҳнат коллективлари давлат ҳокимиятининг олий органига ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг энг муносиб, ғоят обрўли ва ҳурматли намояндаларини номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Улар Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарларини СССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзодлар қаторида яқдиллик билан кўрсатмоқдалар.

● «Халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида» СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

● 28 декабрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

ҚЎШ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА

1984 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Пойтахтимизда агар «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 1-монтаж бошқармасининг Ҳасан Зокиров ва Георгий Бражник бошлиқ комсомолёшлар бригадасининг номини 1-уйсозлик комбинати ва «Жилстрой» трестидаги бунёдкорлар яхши билишади. Мазкур бригадалар икки беш йилликдан буён турар жой қурилишида бошқана шу цехнинг И. Турсунхўжаев бошлиқ бригадаси аъзолари йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бригада бошлиғининг ўзи айни пайтда келаси йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. У бир ойда «ОВХ—28» машиналарига мўлжалланган 120 дан ортиқ детални юксак сифат билан тайёрлаб беришга эришмоқда.

Цехнинг Н. Нигматуллина, Ш. Шевалдин, И. Михеев сингари жонкуяр ишчилари ҳам шу кунларда 1984 йилнинг турли ойлари ҳисобига маҳсулот топширишмоқда.

БУГУН

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

«Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 1-монтаж бошқармасининг Ҳасан Зокиров ва Георгий Бражник бошлиқ комсомолёшлар бригадасининг номини 1-уйсозлик комбинати ва «Жилстрой» трестидаги бунёдкорлар яхши билишади. Мазкур бригадалар икки беш йилликдан буён турар жой қурилишида бошқармоқда, қурилиш ишлари таннархи арзонлашяпти, кўпгина ёрдамчи материаллар тежаб қолинмоқда.

Мусобақа доимо юксак марралар сари ундайди. Буни яқиндан ҳис этган бригадалар Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига ўзаро беллашиб, йиллик планни муддатидан илгари адо этишга муваффақ пудратчи бригадалар билан ўзаро шартнома бўйича узлуксиз бригада пудрати методи бўйича ишламоқдалар. Санитария-техникаларнинг умумий қурилиш бригадалари билан кўп йиллик ҳамкорлиги ўз самарасини беряпти. Санитария-техника системасида монтаж ишлари норматив муддатлари 30 процентгача қисқартирилиб, бўлгандилар. Мазкур бригадалар 15 нафар ишлаб чиқариш илғорининг ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш топшириғига биринчилар қатори қўшилган эдилар. Ҳозирда бу мақсад сари тобора яқинлашиб бориляпти. Кўпгина бригадалар ўз меҳнат календарида 1984 йил ҳисобини очдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ўзэлектромонтаж» трести коллективи бу йил эллик миллион сўмликдан зиёд электр монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажаради.

Илғор технология, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усуллари кенг жорий этилаётганлиги туфайли трестда меҳнат унумдорлигининг ўсиши 3,8 процентни ташкил этди. Қатор ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларининг муваффақиятли жорий этилиши ҳисобига 1,8 миллион сўмлик иқтисодий самара кўрилди.

Давлат плани муддатидан илгари — 28 декабрда бажарилганлиги ҳақида рапорт берган трест коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам зарбдорларча меҳнат қилиш учун пухта замин яратди.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА АХБОРОТ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси илғор тикувчиларидан тўрт нафари Янги йилни Подмосковьеда кутиб оладиган бўлишди.

БУГУН

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БИЛАН

тантанали равишда ана шу илғор тикувчиларга ҳушманзара Измайлово дам олиш уйига бепул путёвкалар топширилди. Бепул путёвка билан тақдирланганлар орасида бирлашма 2-цехининг моҳир тикувчи-мотористкаси Г. Низомитдинова ҳам бор.

— Корхонамизда ишчиларга, айниқса, ёш тикувчиларга доимий эътибор билан қараб келинмоқда,— дейди у. — Унумли меҳнат қилиш билан бирга кўнгилли дам олиш ҳам бизда қонуний тус олган. Янги йилда мен янада жўшқин ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш ниятиёқидаман. Орзуим коллектив ишончини оқлаш.

Тажрибали тўқувчи кунлик план-топшириқларни мунтазам 110—120 процент қилиб адо этиб келади. Жўшқин иш фаолияти туфайли у коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлган.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Узбекгидроэнергострой» трестининг кўп минг кишилик қурилиш-монтаж коллективи қурилиш маҳсулоти йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Улуғвор беш йилликнинг зардбор меҳнат вахтасида жасорат кўрсатаётган бунёдкорлар беш йилликнинг учинчи йилида 61 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Улар 52 минг квадрат метр уй-жой ва бир қатор маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишмоқчи.

● В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мзданият ва техника саройида Янги йил шодиёнаси учун катта тайёргарлик ниҳоясига етказилди.

Саройнинг фусункор безатилган арча залида Янги йил сайли ўтказилади. Қизиқчилар меҳмонларни Янги йил ярмаркасига таклиф қиладилар. Модалар карнавал модаси ателъеси қизғин ишлайди. Қумуш ранг зал бўйлаб рақслар авжига чиқади.

● Академик Ё. Х. Тўрақулов раислигида шаҳар китобсеварлар жамиятининг китобхонлар конференцияси «83-йилги илмий китоблар» шнори остида бўлиб ўтди. Туркистонда тўнғич матбаа китоби 1868 йилда чоп этилди. Орадан уч йил ўтиши билан ўзбек тилида биринчи календарь олам юзини кўрди. 1880 йилдан бошлаб ўзбек тилида матбаа китоблари Хивада босилиб турди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси Туркистон ўлкасида китоб нашр этиш ишлари ва китоб савдосини оммавий ривожланиб кетишига асос солди. Бугунги кунда Тошкентда «Фан», «Медицина», «Ўқитувчи» нашриётлари илмий китобларни босиб чиқармоқда.

Конференцияда олимларнинг «КПСС Марказий Комитетининг июнь 1983 йил Пленуми материалларида социализмни янада такомиллаштириш проблемалари», «Ўзбекистонда 2000 йилгача даврга мўлжалланган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари» каби бир неча мавзуда докладлар тингланди.



● Янгилик! Хабарингиз борми?

Такси минган Қорбобо

шаҳримиз кўчалари бўйлаб такси минган Қорбобо кезиб юрибди. У барча йўловчиларга Янги йилнинг қайноқ нафасини, қутловини улашмоқда.

Тошкентдаги экспериментал ишлаб чиқариш автомобиль корхонасининг ҳайдовчилари Янги йил арафаси ва байрами кунларида шаҳар аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида такси минган Қорбоболар бригадасини ташкил этишди.

Корхона директори Ҳожиакбар Иброҳимов бу ҳақда қуйидагиларни маълум қилди:

— Мақсадимиз аҳолига намунали хизмат қилиш, байрам файзига янада файз қўшишдир. Олтита машинамизга минган ҳайдовчи — Қорбоболаримиз элга хизмат кўрсатмоқда. Коллективимиз улуғвор беш йилликда собит қадамлар ташламоқда. Уч йиллик ва йиллик план бажарилди. Ҳаммаси бўлиб давлатга 750 минг сўм пул топширилди. Йил охиригача бир неча ўн минг сўмлик хизмат кўрсатилади.

СУРАТДА: ҳайдовчи-Қорбобо Алишер Мадалимов машинаси олдида.

М. Нуриддинов фотоси.

● *Ҳамшаҳарлар, сизлар учун*

ҚИШКИ САВДО ЯРМАРКАСИ

Янги йил байрами арафасида шаҳримизда ўнлаб ярмаркалар очилди. Қишлоқ меҳнаткашлари анъанага кўра тошкентликларга саҳий далаларнинг ранг-баранг неъматларини совға қилиб олиб келдилар. Улар пойтахтимизнинг барча районларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг савдосини ташкил этдилар. Матлубот ходимлари ҳамшаҳарларимизга сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини ва бошқа қишлоқ хўжалиги неъматларини таклиф этмоқдалар.

Қашқадарё областининг қишлоқ меҳнаткашлари Сергели район аҳолисини ранг-баранг маҳсулотлар билан мамнун этдилар. Улар ярмаркага олма, тарвуз, нок, ёнғоқ, пиёз, картошка, сабзи... бир сўз билан айтганда байрам дастурхонига керак бўлган барча маҳсулотларни олиб келдилар.

Трактор заводи ишчи ва хизматчилари корхона ёнида ярмарка ташкил этган Фарғона областининг қишлоқ меҳнаткашларидан миннатдор. Тўқимачилик комбинати, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, турли массивларда истиқомат қилувчи аҳоли ярмаркадаги нознеъматлардан харид қилиб, мамнун бўлишмоқда.

Шаҳримиздаги барча районларда кондитер ва ундан тайёрланган ширинликлар кўргазмаси ташкил этилди. Дзержинский майдонидаги ярмаркага ташриф буюрган аҳоли Куйбишев ва Ленин райони ошхоналар трести хизматчилари томонидан тайёрланган ширин-шакар ширинликларни харид қилишлари мумкин. Ҳамма саноат корхоналарида ҳам гўшт ва балиқдан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар, ширинликлар сотилмоқда.

Шундай қилиб, Янги йил яқинлашмоқда. Буни шаҳримизнинг турли ерларида ташкил этилган ярмаркалардан ҳам яққол сезиш мумкин.

СУРАТЛАРДА: Дзержинский майдонида ташкил этилган ярмаркадаги сабзавот ва мевалар ва умумий овқатланиш корхонаси хизматчилари томонидан тайёрланган ширинликлар.

Т. Каримов фотолари.

ҚИШКИ КАНИКУЛ

МАРОҚЛИ ДАМ ОЛАСИЗ

БУГУН

Қишки дам олишни **ташкил этиш** шаҳар комиссияси бу **каникулда сахий Қорбобо, театр тайёрлаган спектакллар қаҳрамонлари, Янги йил арчаси атрофидаги қувноқ карнаваллар ва бошқа кўпгина қизиқарли тадбирлар болаларга қувонч бахш этиши учун талай тайёргарликни амалга оширди.**

— Нуль синфидан тортиб еттинчи синфгача бўлган 230 мингдан зиёд бола театрлар, маданият уйлари ва саройлари, шунингдек, ёш томошабинлар, Муқимий театрлари, авиасозлар, темирйўлчилар маданият саройлари, қўғирчоқ театри тайёрлаган бепул Янги йил арчасини томоша қилади. Бу даргоҳларнинг ҳар бирида ўсмирлар учун янги спектакллар тайёрланган: «Маликанинг туғилган куни», «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Эртаклар саҳифалари бўйлаб», «Ойгул совғалари» ва бошқалар, — деб ҳикоя қилади шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Л. М. Горячева.

Юбилей спорт зали, Билимлар уйи, циркда тайёрланган томошалар болаларни кутмоқда. Янги йил танталарни учун шаҳарда 420 минг совға тайёрланган. В. И. Ленин номли майдонда, Халқлар дўстлиги майдонида ўрнатиладиган пойтахтимизнинг бош арчалари атрофида ҳам қизиқарли томошалар ўтказилади. Бу йилги каникулда 3 минг мактаб ўқувчисининг пионер лагерларида дам олиши ташкил этилади. Уларнинг кўпчилиги шаҳар атрофидаги учта лагерга чиқиб боришади.

Пионер ва комсомол активи учун барча пионер уйлари ва саройларида арча байрами ва базмлар, темирйўлчилар маданият саройида эса юқори синф ўқувчилари учун шаҳар базми ўтказилади.

Ўлкашунослик туризми иши ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Минглаб ўқувчилар «СССР — менинг Ватаним» маршрути бўйлаб халқимизнинг жанговар ва шон-шуҳрат жойлари бўйлаб зиёрат қиладилар. 194-мактабнинг ўқувчилари Ўрта Осиё бўйлаб, 103-мактаб Ленинград, 110-мактаб — Москва бўйлаб саёҳатга йўл олади.

Бундан ташқари барча мактабларда спорт, фан, техника тўгаракларида, бадиий ҳаваскорлик қизғин ишлайди, мактабларраро «Санъат байрами» ўтказилади, командамиз ва республика фан ва техника кунларида қатнашади.

Шундай қилиб, қишки каникул қизғин бошланди. Сиз болаларни мароқли дам олиш кутмоқда!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚУМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚУМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ САЙЕРА УМАРОВНА СУЛТОНОВА.

№ 13

Ветеранлар ҳақида ҳикоялар

ФАХР

Собир кўнгиллилар қаторида Ватан ҳимоясига отланганида навқирон, меҳнатда тобланган, абжир йигит эди. Фронт учун ана шундай ўт юракли ёшлар жуда ҳам зарур бўлиб, ҳарбий комиссариатда бундай йигитларнинг аризалари дарров инобатга олинарди. Район ҳарбий комиссариатига кўнгилли бўлиб ариза берганида унинг қатъиятига «балли» дейишди.

Урушнинг энг даҳшатли кунлари 1941 йилнинг октябрида у дўстлари билан Ватан ҳимоясига отланди. Уни ҳарбий-ҳаво кучлари қисмига юборишди. Москва яқинида ҳарбий машқлар бошланди. Оғир ва машаққатли синовлардан муваффақиятли ўтган Собир Қосимовнинг кўксида энг яхши парашютчига бериладиган нишон пайдо бўлди.

1942 йил февралида Собир Қосимов хизмат қилаётган қисм Шимолий-Шарқий фронтга юборилди. Курск остонасидаги оғир жанглар унинг хотирасидан сира ҳам чиқмайди.

Оғир жанглар бирида С. Қосимов яраланди. Госпиталда даволаниб чиққач, у яна ўз қисмига қайтди. Бу пайтда фронт линияси Ватанимиз чегараларидан анча узоқлашиб кетган эди. У Руминия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг территориясидан фашист газандаларини қувиб чиқаришда яна мардларча курашди. Ана шу жанглардаги жасорати учун III даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди. Буюк Ғалабагача жанг қилди.

Бугун собиқ жангчининг кўксини қўша-қўша орден ва медаллар безаб турибди. Булар Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатдан ҳикоя қилади. Собир Қосимов— асли санъаткор, скрипка чалади. Созанда урушдан кейинги йилларда Тошкент циркида созандалик қилди. Кейин Ўқитувчилар дам олиш уйида ва шаҳар мактабларида музика ўқитувчиси бўлиб ишлади. Ҳозир пенсияда. Лекин ўзи севган созини қўлдан қўйган эмас.

А. ТОЛИПОВ.

Нурли тақдир эгаси

«Ветеранлар —янги турмуш қуришнинг ноёб тажрибаси, бутун инсоният бойлигига бойлик қўшган тажриба соҳибларидир».

Ю. В. АНДРОПОВ.

...Отахон қаршисида ўтирган хушнуд кишилар —турли касб-кордаги азиз меҳмонлар-у, уларга елиб-югуриб хизмат кўрсатаётган бахтиёр фарзандлари, келинкуёвлари, невара-чевараларини тўлқинланиб кузатади. Ўтирганлар орасида бир вақтлар унинг қўл остида таҳсил олган, эндиликда эса кўксига қўша-қўша орден ва медаллар таққан донгдор кишилар кўзга ташланади. Аброр ота чуқур ҳаяжонда, кўзларидан ёш аримайди.

...Худди кечагидек унинг эсида. Отаси Шарофиддин Ғуломхонов асли-таги батрак эмасми, Тошкентнинг оғизга тушган бойларидан бири Мирко-милбой даргоҳида қароллик қилар экан, тиним нима—билмасди. Оиласини боқиш дардида ўзини ўтдан сувга урарди. Онаси Назми Исмонилова эса фарзандлари—уч ўғил, икки қизи тарбияси билан банд.

Эндигина вояга етиб келаётган, тийрак Аброр отасининг оғирини енгил қилишга интиларди. Бой хонадонидаги тўкин-сочинлик, бойвуччаларнинг айш-ишратдан бўшаслиги, отасига ўхшаган заҳматкашларнинг аччиқ турмуши ўсмир Аброрнинг дунёқарашини алғов-далғов қиларди.

— Бир кун келиб, бизнинг елкамизга ҳам офтоб чиқармикан ёки умр шу таҳлидда ўтиб кетаверармикан?

Аброр ва Аброрга ўхшаган миллионларнинг толенга Октябрь қуёши балқиди.

— Мана энди ишлайдиган, ўқийдиган, қадр-қиймат топадиган ҳақиқий замон келди, болам,— деди отаси.

Кўпчилик қатори буғдой ранг, пишиқ жуссали Аброр ҳам янги замон хизматига астойдил бел боғлади.

Қисқа муддатли ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаб, тил ва адабиёт муаллими сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Сўнг мактабларда илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлади. Меҳнат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиб, олий маълумот эгаси бўлди. Роса қирқ йиллик умрини халқ маорифи тараққиётига бағишлаган бу инсон эл орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Кўксини орден ва медаллар безади. Йиллар ўтиб, Аброр Шарипов Аброр отага айланди. Мана, салкам ўн беш йилки, у бахтли кексалик гаштини сураётир: ҳалол меҳнати эвазига унга шахсий пенсия тайинланди. Бироқ отахон ҳамон сафда. Энди у маҳалла комитети ранси сифатида юрт хизматини адо этмоқда.

Унинг жонкуярлигги туфайли кўчалар ободонлаштирилди, асфальтланди, янги автобус маршрутлари очилди. Аҳоли марказий исститут системаси ва табиий газдан баҳраманд. Маҳалларда Янги йил, Совет Армияси куни, Наврўз, Биринчи Май, Ғалаба куни, СССР Конституцияси куни, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йиллиги каби байрамларни коллектив тарзда нишонлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Меҳри дарё Аброр ота ҳамиша кишиларнинг оғирини енгил қилиш истаги билан ёнишини маҳаллакўй яхши билади.

Кекса она Ҳамида Тиллахўжаеванинг дил сўзларига қулоқ солинг-а:

— Бошимга ногаҳоний кулфат тушганда, маҳалла фаоллари, биринчи навбатда Аброр ота Шарипов ёрдам қўлини чўзди. Бу ажойиб инсондан бир умр миннатдорман,— дейди у.

Аброр ота пиру бадавлат, ҳаёти ҳавас қилса арзигулик бахтли-тотли кунларга бой. У турмуш ўртоғи Зуҳра ая билан биргаликда бир-биридан обрўли, эътиборли еттита фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ота бир-биридан ширин-шакар йигирма неварани севимли бобоси ҳамдир.

Ҳар байрам Аброр ота Шарипов истиқомат қиладиган пойтахтимиздаги Анасов кўча, Уфимцев проездидаги 2-уй янада гавжумлашиб, файзга тўлиб кетади. Ана шундай кезларда отахоннинг нур томиб турган юзлари янада ёришади.

...Оддий бир меҳнаткишининг бунчалик мартабага мушарраф бўлиши, боёнлар даврида оч-юпун ўсмир Аброр орзу қилган рўшноликнинг ўзи эмасми? Ана шу пиру бадавлатлик туйғуси, маъмур ҳаёт нашидаси, даврада иштирок этаётган кўпдан-кўп дўстлар ва шогирдларнинг хушнуд чеҳраси Аброр отанинг бугунги илиқ кўз ёшларига боис эди...

Шерали СОКИН.

СУРАТДА: Аброр ота Шарипов.

ҲАМИША САФДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Комитети қошида ташкил этилган шаҳар партия ветеранлари Совети составида турли касбдаги кишилар бор. Улар орасида ҳали коллективда ўз ишини давом эттираётганлар ҳам, мароқли дам олаётганлар ҳам бор, аммо улар ўз жонажон корхоналари, муассасалари билан доимо мустаҳкам алоқададирлар. Уларнинг барчаси партия сафида 50 йил ва ундан кўпроқ стажга эга. Бу Советга комсомол, партия, совет органларида ишлаб, жуда катта тажриба ортирган Чиннихол Иброҳимова бошчилик қилган ана шу вазифаларни бажара бориб, ёшларни В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти мисолида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Совет аъзолари мактабларда, ишлаб-техника билим юртларида ленинча дарсларни ўтказишда иштирок этиб, меҳнат коллективларида революцион воқеалар, Туркистон, Тошкентда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги хотираларини ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Кекса коммунистлар ўзлари шахсий намуна кўрсатиб, юксак меҳнат унумдорлигига қандай қилиб эришиш мумкинлигини исботлаб бермоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ходимлари Е. П. Андрианова, Е. Ф. Визгалова, Т. Е. Васильева, В. А. Мартинова, М. Йўлдошева ва бошқалар муайян кунларда «Меҳнат вахтаси» эълон қилиб, дастгоҳлар ёнида туриб ишламоқдалар ва ёш тўқувчи ҳамда йигирувчилар билан бир сафда туриб бутун смена мобайнида уларга ёрдам кўрсатмоқдалар. Шуни таъкидлаш керакки, ёшлар меҳнат унумдорлигида ветеранларга етиб олишни орзу қилмоқдалар. Комбинатдаги бу ветеранлар группаси меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича тузилган штабнинг аъзолари ҳисобланишади.

Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир сўзи, мулоҳазаси, таклифи ғоятда таъсирчан бўлиб, ёшлар қалби ва онгига тез сингади. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ҳар бир меҳнат ветерани ёшларнинг мураббийси бўлмоғи керак.

Маълумки, инсон фақат моддий бойликларгина яратиб қолмасдан, балки граждан, коммунизм актив бунёдкори сифатида ижодий қобилиятларини ривожлантира боради, иродасини тоблайди, энг яхши фазилатларини намоён этади. Бу биз юқорида номларини тилга олиб ўтган ҳар бир ветеранга хосдир. Ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан учрашув чоғида сўзлаган нутқида шундай кишилар ҳақида бундай деган эди: «Улар кучгайратга тўлиб-тошган, юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлган кишилардир. Ватанга, партияга садоқат билан хизмат қилаётган кишилардир».

О. ОВЧАРЕНКО,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

* * *

СУРАТДА: шаҳар партия ветеранлари Советининг активистлари.

Т. Каримов фотоси.

«ОЛТИН ЮЛДУЗ» ҚАВАЛЕРЛАРИ

МУРАББИЙ

СССР Олий Совети Президиумининг она-Ватанимиз қудрати ва шон-шуҳратини оширишга ёрдам берганлиги, хўжалик ва маданий қурилишда жуда катта муваффақиятларга эришганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармони таъсис этилганига 45 йил тўлди. «Ўроқ ва Болга» медали эса 1940 йил 22 майда таъсис этилган.

Она-Ватанимизнинг бу юксак унвони билан биринчи бўлиб И. В. Сталин (1939 йил 20 декабрда) тақдирланган эди. Иккинчи бўлиб машҳур совет конструктори В. А. Дегтярев (1940 йил 2 январда) тақдирланган. Ўзбекистонда Тошкент областининг Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг собиқ ранси Ҳамроқул Турсунқулов Улуғ Ватан уруши бошида биринчилардан бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди. У ўч марта ана шу фахрли унвонга сазовор бўлди. Ҳозир бу хўжалик унинг номи билан аталади.

Бугун Тошкент шаҳридаги Меҳнат Қаҳрамони вакилларидан бири — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 63-ҳунар-техника билим юртининг директори, ҳозир эса пенсионер, ёшлар мураббийси Рихситилла Ҳусанович Ҳусанов газетамиз меҳмони. Биз ундан бир неча саволларимизга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Рихситилла Ҳусанович, ҳунар-техника билим юртида неча йил ишладингиз, таълимнинг бу системасига қай тариқа кириб келгансиз?

— Мен умримнинг салкам 40 йилини ўқитувчилик касбига бағишладим. Бу шундай бошланган эди: 1937 йилда 17 ёшимда фабрика-завод билим юртига кирдим. Икки йилда уни тугаллаб, слесарь-йиғувчи бўлдим. «Узпромстрой» заводига йўлланма олдим. У ерда 1941 йилгача ишладим. Кейин мени авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги ҳунар-техника таълими системасига ўтказишди. Бу ерда ўша пайтда 14-фабрика-завод билим юрти мавжуд эди. Мен шу билим юртида ишлаб чиқариш таълими мастери бўлдим. 1948 йилда менга шу билим юртининг директори қилиб тайинлашди.

— Рихситилла Ҳусанович, сизнинг иккита дипломингиз бор: ҳам индустриал техникум, ҳам Низомий номидаги педагогика институтини битиргансиз. Иккаласини битиришга қандай улгургансиз?

— 28 ёшимда билим юрти директори бўлганимдан сўнг ўйлаб қарасам, бор-йўғи 7 синф маълумотим бор экан. Билимим етишмаётганини яққол сездим. Кишилар, ёшлар билан ишлашда шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, билимсиз, ўқимасдан узоққа бориш қийин. Шунинг учун техникумга кирдим. Уни 1942 йилда битирдим, кейин эса институтга кирдим. Шуниси қизиқки, институтни 53 ёшимда битирганман.

— Яна бир савол: Сиз ишлаган йилларда қанча ёш мутахассис ҳаётга йўлланма олди?

— 20 минга яқин.

Уларнинг асосий қисми ҳозир Тошкент қурилишларида ишлашяпти. Ҳозир пойтахт ҳунар-техника билим юртларида ишлаётган директорлар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерларининг салкам ярми бизнинг билим юртимизни битириб чиқишган.

— Рихситилла ака, Сизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони қачон берилган?

— Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги 14-ўрта мактабнинг собиқ ўқитувчиси Оқилхон Шарафиддинов Тошкент ўқитувчилари ўртасида биринчилар қаторида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Менга эса бу юксак унвонни 1978 йилда беришди.

Суҳбат сўнггида шуни айтиб ўтишни истардикки, у 65 ёшида ҳам дам олишга кетмади: аввалгидек жонажон билим юртида меҳнат қиляпти. Ишчи ўринбосарларини тарбиялаш ва уларга таълим беришда ўқитувчилар коллективига кўмаклашмоқда.

Суҳбатни М. ГОРБАЧЕВ ёзиб олди.

СУРАТДА: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Ҳ. Ҳусанов.

Ҳ. Шодиев фотоси.

ВЕТЕРАННИ РАНЖИТИШДИ

ВАЪДАГА ВАФО ШУМИ?

Балкон эшиги эски қалин одеял билан яхшилаб беркитилган, нуп-па-кундузи квартира ичи қоп-қоронғи. Шунинг учун ҳам электр чироғни ёқиб ўтиришади. Бошқа илож ҳам йўқ. Балкон эшигининг несакиси ва тавақаси оралигига кафт сиғади. Бу ёзда бир ҳисобда яхши — квартирада доим елвизак ўйнаб туради, қишда эса ҳаммаёқни ялхлатиб юборади. Бу квартирада эр-хотин Тихомировлар — Надежда Михайловна ва Иван Константинович яшайдилар, уларнинг иккиси ҳам иккинчи группа Улуғ Ватан уруши инвалиди.

— Мен урушда оддий солдат бўлганман, — деб ҳикоя қилади Иван Константинович, — Қариб уч йил душман ўқидан омон бўлдим, 1944 йилга келиб эса бирданига икки жойимдан ўқ едим. Оёғимдаги яра ҳамон оғрийди.

Иван Константинович урушдан кейин ишлаб чиқаришда қариб 40 йил ишлади. Аввал ҳат ташувчи, кейин бош бухгалтер бўлди.

Надежда Михайловна ўз меҳнат фаолиятини биринчи беш йиллик йилларида бошлади ва ўнинчи беш йилликда тугаллади. У 40 йиллик партия аъзоси.

Куз кунларининг бирида Надежда Михайловна Тошкент савдо ускуналари ишлаб чиқариш комбинати кадрлар бўлими бошлиғи Ирина Капилова билан учрашди (Н. Тихомировнанинг ўзи бу корхонада кўп йиллар ишлаган). Надежда Михайловна ўз чоли билан елвизак ғуруллайдиган квартирасида совуққотиб яшаётганлигини, балконга ром қилишда уларга ҳеч ким ёрдам бермаётганлигини айтди.

Н. Капилова Тихомировлар оиласига ёрдам беришга ваъда қилди. Корхона директори Анатолий Васильевич Магутнов ҳузурига бориб ҳамма гапни гапирди.

Анатолий Васильевич Надежда Михайловна қандай ажойиб ишчи бўлганлигини эслади, ўн беш йил бурун бу аёл унга партияга ўтиш учун тавсиянома берганди. Тихомировлар балконига ишлаб чиқариш чиқиндисидан нақд пулга ром ўрнатиб бериш ҳақидаги аризага қўл қўйди, лекин кичкина қўшимча қилди. Завком қарор чиқарсин, деди.

Завкомда эса ўзларича муҳокама юритишди. Ҳозир Тихомировларнинг иккиси ҳам пенсионер, корхонага улардан фойда йўқ. Бундан ташқари Надежда Михайловна туғилган кунигача ишламади. Ишлаб чиқаришда қўлини синдириб олиб, касаллик пайтида пенсиясини расмийлаштирди. Ушанда унга совғалар беришмаган, бу демак, ҳозир унинг олдида қарздор эмаслар.

Н. Тихомирова редакцияга мурожаат қилди. Биз завод раҳбарлари билан боғландик. Улар: «Декабрда албатта қиламиз. Бизнинг собиқ ишчимиз-ку, уни бу аҳволда ташлаб қўймаймиз» дейишди. Шундай дейишди-ю, лекин ваъдаларини бажаришмади.

Тихомировлар турар жойдан фойдаланиш бошқармаси ходимларига ҳам квартирани иситиб бериш ҳақида мурожаат қилишди. Лекин у ерда ҳам ёрдам беришни исташмади. Шундай қилиб, ҳозир икки кекса пенсионер иссиқ квартирани ва одамларнинг илиқ муносабатини орзу қилиб яшашяпти.

К. НИКОЛАЕВ.

АКС САДО

МУҲОКАМАНИ ГАЗЕТХОНЛАР ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

«ҲАҚИҚИЙ ҒАМХЎРЛИК БЎЛСИН»

Уруш инвалидлари саноат моллари билан таъминланиши ҳақида «Ветеран»нинг ўнинчи сонида юқоридаги сарлавҳа остида рейд материали босилган эди. Редакцияга ана шу мавзуда хатлар келиб турибди.

«Куйбишев райони ветеранлари Марказий универсал магазинига бириктириб қўйилган. Лекин ана шу катта савдо корхонасида бизга кўнгилдагидек эътибор беришмаяпти. Биз учун кичкина бурчак ажратилган бўлиб, на ўтириб бўлади, на юриб, беш-олти киши кирса торлик қилиб қолади.

Буюмлар тури оз. Бошқа магазинларда ҳам ҳеч ким олмаётган қўйлаклар сотиляпти. Пойафзал, яхши костюмлар, ип-газламадан кийим-кечак ва қатнашчиларининг ва қатнашчиларининг истакларини тўла қондириш учун имкони борича ҳаракат қилади».

М. СОЛИҲОВ,
Фрунзе савдо маркази директори.

РЕДАКЦИЯДАН: Савдо Бош бошқармаси раҳбарлари уруш инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатаётган савдо корхоналарини кундалик харидгир моллар билан таъминлаш учун барча чораларни кўриши керак бўлган пайт етилди. Балки, бу ишни четдан келтирилаётган ва маҳаллий маҳсулот жамланадиган савдо базаларида бошлаш мақсадга мувофиқдир. Харидорларнинг алоҳида категорияси учун буюмларни танлаш ўша ерда қулайроқ.

Шаҳримизда «Малика» трикотаж бирлашмаси, йирик тикувчилик, пойафзал бирлашмалари бор. Шундай экан, нима учун кекса ёшдаги кишилар учун ип-газлама буюмлар — майкалар, пайпоқлар, эркаклар костюмлари, пойафзаллари етишмайди?

Нима учун енгил ва маҳаллий саноатлар мамлақатимизда кенг авж олган — Улуғ Ватан урушининг собиқ солдатларига ғамхўрлик ва эътибор беришдек муҳим кампаниядан четда қолишяпти?

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

ТАНҚИС МОЛЛАР КЕРАК

«Ҳақиқий ғамхўрлик бўлсин» рейд материали Фрунзе савдо маркази коллективида пухта ўрганиб чиқилди ва Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан конкрет чоралар кўрилди.

Секция хонаси чиндан ҳам торроқ, лекин ҳозир унинг майдонини кенгайтириш ва жиҳозларни яхшилаш имкониятлари қидириб топиляпти. Ассортимент масаласига келсак, савдо марказига келтирилаётган харидоргир, кекса ёшдагилар учун зарур буюмларнинг 15 дан 25 процентгачаси секцияга ажратиб бериляпти. Чет элда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бошқа моллар ҳам шу миқдорда бериляпти.

Бироқ, бугунги кунда бизда ип-газлама ич кийимлар, пайпоқлар, трикотаж, спорт буюмлари, арзон костюмлар, яхши пойафзал етишмаяпти.

Коллективимиз бизга бириктирилган барча Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларининг истакларини тўла қондириш учун имкони борича ҳаракат қилади».

М. СОЛИҲОВ,
Фрунзе савдо маркази директори.

РЕДАКЦИЯДАН: Савдо Бош бошқармаси раҳбарлари уруш инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалани амалда ҳал этадиган пайт келди, деб ўйлаймиз.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ!

КЕКСАЛАР МАМНУН

«Марказ—1» кварталидаги 34-«Гастроном» магазинига кўпчилиги партия аъзолари бўлган уруш ветеранлари ва инвалидлари, шахсий пенсионерларнинг катта группаси бириктириб қўйилган. Биз ўзимизга бу ерда кўрсатилаётган хизматдан жуда мамнунмиз. Магазин ходимлари, улар асосан ёшлар, бизни ўз оға-иниларидек кутиб олишади. Комсомол ташкилотчиси Бахтиёр Абдураҳимов, профорг Умида Орипова, Яшар Толиповлар самимийлик ва эътибор кўрсатишяпти.

Коллективда тарбиявий ишнинг яхшилиги, ишнинг юқори савияда ташкил этилганлиги магазин директори, коммунист Турғунхўжа Ўлмасовнинг ҳаракатлари туфайлидир. У ҳам ёш, ҳаракатчан, тажрибали савдо ходими. Фикримизча, у савдони тартибга солишда партия кўрсатган йўлдан бораётган коммунистлардан саналади.

Коммунист Т. Ўлмасов магазинни икки йил илгари қабул қилиб олди ва тезда уни ремонт қилиш ва замонавий универсам типида жиҳозлашга киришди. Ҳозир бу савдо корхонаси озода ва шинам.

«Гастроном» бошқармаси раҳбарлари — бошқарма бошлиғи С. Собиров, партия ташкилоти секретари М. Тўхтабоев томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан хурсандмиз. Улар бизга хизмат кўрсатиладиган жума куни магазинга тез-тез келиб туришади, ветеранлар билан суҳбатлашишади, баъзи масалаларни шу жойнинг ўзида ҳал этишади.

Уруш инвалидлари ва қатнашчилари: В. Шполенский, Г. Гизатулин, В. Шапиро, А. Коляев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. Пономарев, Г. Голованов, иттифоқ аҳамиятидаги пенсионерлар Е. Чернявская, В. Доленко, жами 10 имзо.

СУРАТЛАРДА: 34-«Гастроном» магазинининг сотувчилари Б. Абдураҳмонов ва У. Орипова уруш ветеранлари хизматида.

Т. Каримов фотолари.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

«БЕНЗОКОЛОНКАДАГИ ОЛИШУВ»

Редакцияга келаётган хатларга кўра бу «олишув» давом этяпти. Уруш инвалидлари ва қатнашчилари бензин қуйиш станциялари ишидан ҳамон норозилар. Мана, Октябрь район ветеранлар совети комиссияси ранисининг ўринбосари А. Ортиқов нималарни ёзиб юборган:

«Бизнинг советимиз аъзолари район Совети ижроия комитети қошидаги нархлар ва хизмат кўрсатиш қондаларига риоя этилишини назорат этиш комиссияси билан ҳамкорликда 4-бензолонка ишини беш марта текширишди. Яна «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида 18 октябрда босилган «Бензоколонкадаги олишув» мақоласида айтилган камчиликларга дуч келинди. Тошкент нефть базаси директори В. Азимов редакцияга жавобида (15 ноябрь) бозор нархида ёнилғи-мойлаш материаллари сотилувчи барча бензин қуйиш станцияларида уруш инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатиш учун алоҳида колонка ажратишга қарор қилинганини ёзган эди. Бироқ, бу қарор қачон амалга оширилиши номаълум.

Биз ушбу савол билан нефть базаси раҳбарлигига ёзма равишда мурожаат этдик. Лекин ўртоқ В. Азимовдан жавоб ололмаяпмиз».

Мана, II группа уруш инвалиди Д. Кулиш ёзган яна бир хат. Лисунов кўчасидаги бензин қуйиш станцияси ходими унга навбатсиз хизмат кўрсатишни кескин рад этган. «Мен тўртта машинани ўтказиб юборибман,— деб ёзади у, — энди колонкага яқинлашган эдим, «37—80 ТНУ» автомашинаси ҳайдовчиси ўртоғи билан мени ҳақорат қила бошлашди. Улар икки марта машиналарини жойидан силжитиб, машина буфери билан менинг машинамни пачоқ қилмоқчи бўлишди.

Мен бу ҳақоратга чидаган бўлар эдим. Лекин, бу фақат менга нисбатангина эмас...».

Нефть базаси раҳбарлари бензин қуйиш станцияларида уруш инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалани амалда ҳал этадиган пайт келди, деб ўйлаймиз.

ҮНИНЧЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТҮҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

ВАТАН ТИНЧЛИГИ ВА ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

(Боши биринчи бетда).

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг мажлисидаги музокараларда депутатлардан Тюмень область Совети ижроия комитетининг раиси **В. В. Никитин**, Уфадаги «Мир» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмаси 1-фабрикасининг моторчи-тикувчиси **Г. Р. Абузарова**, Эстония ССР Фанлар академиясининг президенти **К. К. Ребане**, Вахш азотли ўғит заводи аммиак ишлаб чиқариши катта машинисти **Т. Зиёев** қатнашдилар.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг мажлисларида сўзга чиққан депутатлар партия белгилаб берган стратегик йўл бутун кўп миллатли халқимизнинг манфаатларига, тинчлик ва тараққиёт ишига мос бўлиб тушади, деб таъкидладилар.

Нотиқлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумидаги нутқи текстида баён этилган қоида ва хулосаларни астойдил қўллаб- қувватлаб, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришга эришиш юзасидан партия ўртага қўйган вазифа муҳимлигини таъкидладилар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИ БИЛАН МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚУШМА МАЖЛИСИ

Танаффусдан кейин Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат планининг бажарилиши тўғрисидаги Қонунни палаталарда алоҳида-алоҳида бир овоздан қабул қилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат планини муфассал ҳамда атрофлича муҳокама этиб бўлди.

Депутатлар ўз нутқларида КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган баҳолар, қоида ва хулосаларни якдиллик билан маъқулладилар.

Депутатларнинг ҳаммаси нутқларида шуни қайд этиб ўтдиларки, кечиктириб бўлмайдиган жорий ва келгусидаги вазифаларни ҳал этиш барча совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг 1984 йилги план топшириқларини, аввало меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасидаги топшириқларни тўла ва ошириб бажаришга қаратилган фаолиятига асос қилиб олиниши керак.

План-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссияларда планни кўриб чиқиш давомида ва уни СССР Олий Совети ҳар иккала палаталаларининг мажлисларида муҳокама этиш чоғида ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан тўлиқроқ фойдаланишга, маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир бир қанча муҳим таклифлар киритилди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, ерларни мелиорациялаш, пахтачиликни комплекс ривожлантириш тўғрисидаги масалалар ҳам қўйилди.

План-бюджет комиссиялари ҳамда бошқа доимий комиссияларнинг хулосасида ва қўшимча докладларида, депутатларнинг нутқларида 1984 йилги план тўла-тўкис маъқулланди.

СССР Олий Совети палаталари План-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссиялари 1984 йилги планни кўриб чиқиш чоғида халқ истеъмол молларининг айрим турларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни чакана нархларда жами 159,2 миллион сўмлик қўпайтириш тўғрисида таклиф киритдилар. Бу таклифлар кўриб чиқилиб, қабул этилганлигини СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан маълум қилишга ижозат бергайсиз, деди нотиқ. 1984 йилги Давлат планига тегишли тузатишлар киритилади.

СССР Олий Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни палаталарда алоҳида-алоҳида бир овоздан қабул қилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги асосий кўрсаткичларини ўстириш суръатлари белгиланди.

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 1983 йилга нисбатан 3,1 процент, саноат маҳсулоти 3,8 процент, шу жумладан: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш — 3,7 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш — 4 процент ортади. Келгуси йилда аҳоли жон бошига реал даромадлар 3,5 процент, давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти — 5,4 процент, аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми 8,5 процент кўпаяди.

1984 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига жами саҳни 109 миллион квадрат метр уй-жой қуришга қарор қилинди.

СССР Олий Советининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат планининг бажарилиши тўғрисидаги қарори бир овоздан қабул қилинди.

СССР Министрлар Советига Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети доимий комиссияларининг хулосаларида ва депутатларнинг нутқларида 1984 йилги Давлат плани, 1983 йилги планнинг бажарилиши тўғрисидаги масала хусусида баён этилган таклифлари ҳамда мулоҳазаларини кўриб чиқиш ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь ва декабрь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, 1984 йилги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилди.

СССР молия министри, депутат **В. Ф. Гарбузов** СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги ва 1982 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги масала хусусида якунловчи нутқ сўзлади.

СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетини, деди у, Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети План-бюджет комиссиялари ҳамда бошқа доимий комиссиялар мафассал ва атрофлича кўриб чиқди ҳамда СССР Олий Советининг сессиясида сўзга чиққан барча депутатлар уни якдиллик билан маъқуладилар.

Муҳокама шуни кўрсатдики, деди нотиқ, беш йиллик тўртинчи йилининг бюджети партиянинг сиёсий ва иқтисодий стратегиясига батамом мос келади, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ўстириш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини тегишли даражада сақлаш юзасидан шу йилга мўлжалланган барча тадбирларни пул маблағлари билан таъминлайди.

План-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссиялар бюджет даромадларини 137 миллион сўм, шу жумладан: оборот солиғи бўйича 91,9 миллион сўм, давлат корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг фойдасидан олинадиган тўловлар бўйича — 45,1 миллион сўм кўпайтириш тўғрисидаги таклифни киритдилар.

СССР Молия министрлиги СССР Олий Советининг ушбу сессиясида бюджетни муҳокама қилиш чоғида депутатлар ўртага қўйган барча масалаларни эътибор билан кўриб чиқади ва унинг натижалари тўғрисида СССР Министрлар Советига маълум қилади. Кўрилган тадбирлар ҳақида депутатларга ўз вақтида хабар қилинади.

Депутатлар палаталарда алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

Қонунда СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети доимий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олиб, даромадлар бўйича 366007848 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 365792448 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 215400 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб тасдиқланди.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой, коммунал хўжалигини ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларини янада ривожлантириш харажатлари келгуси йилда 207892995 минг сўмни, социал-маданий тадбирларга ажратиладиган маблағлар 118205427 минг сўмни, шу жумладан, давлат социал страхование бюджети бўйича 45786345 минг сўмни ташкил этади.

Мамлакат мудофаасига сарфланадиган маблағлар 17054000 минг сўм миқдорида белгиланган.

Қонунда иттифоқдош республикаларнинг 1984 йилги Давлат бюджетлари белгилаб қўйилган.

СССР Олий Совети СССР Министрлар Советига Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссиялари СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджетига доир хулосасида баён этилган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек депутатлар СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида айтган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқишни ҳамда шулар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишни топширди.

СССР Олий Совети СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Раислик қилувчи ҳар иккала палатанинг ташқи ишлар комиссиялари Миллатлар Совети билан Иттифоқ Советининг топширувига биноан СССР Олий Совети «Халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги қарорини ва бошқа доимий комиссиялар бюджет даромадларини 137 миллион сўм, шу жумладан: оборот солиғи бўйича 91,9 миллион сўм, давлат корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг фойдасидан олинадиган тўловлар бўйича — 45,1 миллион сўм кўпайтириш тўғрисидаги таклифни киритдилар.

СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани билан СССР Давлат бюджетининг лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққан депутатларнинг нутқларида, деди у, ҳозир жаҳондаги вазият АҚШ ва НАТОнинг агрессив йўли натижасида ёмонлашганлигидан ҳаққоний ташвиш билдирилди. Депутатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу йил 28 сентябрь ва 24 ноябрдаги Баёнотларини, уларда халқаро майдондаги ишларнинг аҳволига доир таҳлилни ҳамда вужудга келган шароитда Совет Иттифоқининг йўли хусусида баён этилган хулосаларни якдиллик билан маъқуллашларини изҳор этдилар.

Депутатлар СССР Олий Совети халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида махсус қарор қабул қилиши ҳақидаги таклифни олға сурдилар.

СССР Олий Совети палаталарининг топшириғига мувофиқ ташқи ишлар комиссиялари ўзларининг қўшма мажлисида 28 декабрь куни ана шу таклифларни кўриб чиқиб, СССР Олий Советининг «Халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги қарори лойиҳасини тайёрлади. Бу лойиҳа сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилмоқда.

Сессия СССР Олий Советининг «Халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги қарорини бир овоздан қабул қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари **Т. Н. Ментешашвили** «СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида» доклад қилди. Депутатлар доклад юзасидан тегишли қонунлар ва қарорларни қабул этдилар.

Шу билан ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси ўз ишини тугатди. (ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ

КОБУЛ. Бу ерда АДР тинчлик, дўстлик ва бирдамлик ташкилотининг Афғонистон пойтахти кенгашига асос солишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Умумафғонис т о н тинчлик тарафдорларининг слетида уч йил муқаддам тузилган АДР тинчлик, дўстлик ва бирдамлик ташкилоти дунёдаги тараққиёпарвар кучлар билан биргаликда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида катта самарали ишлар қилмоқда. Бу ташкилот тинчлик курашчиларининг 50 тадан кўпроқ халқаро йирик анжуманига қатнашди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари бирдамлиги ташкилоти, Жаҳон Тинчлик Кенгаши сингари дунёдаги тараққиёпарвар кучларида, дўстлик ва ҳамкорлик фойдасига ҳал қилиш учун астойдил курашмоқда. Совет Иттифоқининг илғор тинчлик ташаббуслари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотлари, қардош социалистик давлатлар раҳбарларининг Прага Сиёсий Декларацияси, 1983 йилнинг ёзида ўтган Москва учрашуви ҳужжатлари ана шу олижаноб мақсадларга қаратилди. Жумладан, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотлари, ундаги тинчлик ғоялари Советлар мамлакатининг халқлар хавфсизлиги ва планета осойишталиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги деб кутиб олинди.

Социализм ва тинчлик ажралмас тушунчалардир. Серташвиш планетамиз халқлари 1983 йилда ҳам социализмнинг бутун имконияти ва қудрати, обрўйи ва таъсири тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилганлигининг, тинчлик учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Лекин шу билан бирга 1983 йил инсоният учун янги-янги ташвишлар келтирган йил бўлди. Бунга бош айбдор — расмий Вашингтон, унинг агрессив НАТО блокидаги иттифоқчиларининг сиёсий калтабинлик сиёсати, уларнинг ер курраси нинг кўпгина нуқталарида қилган жиноятлари, бузғунчилик ва ғиғвогарлиги дир. Жумладан, 1983 йилнинг кузида Ғарбий Германия, Италия ва Буюк Британия ерларига Америкаининг янги «Першинг — 2» ва қанотли ракеталари келтирила бошланди, Ливан тупроғида океан ортидан келган босқинчилар Исроил қароқчиларининг жиноий ишларини давом эттирдилар. Гренада АҚШ босқинчилари томонидан қонга белан ди, революцион Афғонистон, Никарагуага қарши навбатдаги ғиғвогарликлар қилинди, социализмга қарши эълон қилинган «салб юриш»лари, «совуқ уруш» ва ҳуружлар янада кучайтирилди.

Лекин бутун-бутун халқлар ва мамлакатлар бунга кўриб-билиб турибдилар. Европа ва бошқа қитъаларда тинчлик учун кураш ва антиракета ҳаракатининг ўта кучайганлиги ва кескин тус олганлиги, НАТО ва Пентагондаги лўттибозларнинг чалғитишларига қарамай, Америкаликнинг қанотли ракеталарига «қанотли ўлим» деб баҳо берилганлиги бунга мисолдир.

Расмий Вашингтон, ўз халқлари ва мамлакатлари тақдирини ўйламай, «Першинг — 2» ва қанотли ракеталарга йўл очиб берган Рим, Лондон ва Боннданги расмий доиралар қанчалик уринмасинлар, халқлар оқин қорадан яхши ажратиб оладилар ва тинчликка қарши қилинган бу ножўя қадамни тийиб қўйишга қодирдирлар.

Инсоннят яхши умид ва орзулар билан янги — 1984 йилни кутиб олмоқда. Янги йил қадами қутлуғ, ҳамма қитъалар ва халқлар учун тинчлик йили бўлишига тилакдошмиз.

Талъат СОЛИЕВ.

● ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ЙИЛИ

Халқлар кузатиб қўяётган ва тарих саҳифаларига айланаётган 1983 йил тинчлик учун кураш йили бўлди. Унинг ойлари ва кунлари кишиларнинг энг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи учун, Ердаги ҳаёт ва цивилизация тақдири учун шиддатли курашлар гувоҳи бўлди.

Ҳали ҳеч қачон уруш ва тинчлик масаласи кун тартибига шунчалик кескин ва жиддий қўйилмаган эди. Ҳақиқатан ҳам бугун империалистик доираларнинг хатарли ва хавфли сиёсати туфайли дунёдаги вазият ғоят кескинлашган, ядровий ҳалокат хавфи кучайган дамларда тинчлик учун кураш инсонлар учун ҳаёт-мамот учун кураш бўлиб қолди. Тинчлик бинобарин, Ердаги ҳаёт сақлаб қолинадими ёки планета ядровий тўқнашув жарлиги томон силжий борадими! Ҳозир масала фақат ана шу йўсинда қўйилиши мумкин.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар бутун йил давомида инсоният қўйган ана шу саволни тинчлик ва хавфсизлик фойдасига, дўстлик ва ҳамкорлик фойдасига ҳал қилиш учун астойдил кураш олиб бордилар. Совет Иттифоқининг илғор тинчлик ташаббуслари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотлари, қардош социалистик давлатлар раҳбарларининг Прага Сиёсий Декларацияси, 1983 йилнинг ёзида ўтган Москва учрашуви ҳужжатлари ана шу олижаноб мақсадларга қаратилди. Жумладан, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотлари, ундаги тинчлик ғоялари Советлар мамлакатининг халқлар хавфсизлиги ва планета осойишталиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги деб кутиб олинди.

Социализм ва тинчлик ажралмас тушунчалардир. Серташвиш планетамиз халқлари 1983 йилда ҳам социализмнинг бутун имконияти ва қудрати, обрўйи ва таъсири тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилганлигининг, тинчлик учун курашда ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Лекин шу билан бирга 1983 йил инсоният учун янги-янги ташвишлар келтирган йил бўлди. Бунга бош айбдор — расмий Вашингтон, унинг агрессив НАТО блокидаги иттифоқчиларининг сиёсий калтабинлик сиёсати, уларнинг ер курраси нинг кўпгина нуқталарида қилган жиноятлари, бузғунчилик ва ғиғвогарлиги дир. Жумладан, 1983 йилнинг кузида Ғарбий Германия, Италия ва Буюк Британия ерларига Америкаининг янги «Першинг — 2» ва қанотли ракеталари келтирила бошланди, Ливан тупроғида океан ортидан келган босқинчилар Исроил қароқчиларининг жиноий ишларини давом эттирдилар. Гренада АҚШ босқинчиларининг томонидан қонга белан ди, революцион Афғонистон, Никарагуага қарши навбатдаги ғиғвогарликлар қилинди, социализмга қарши эълон қилинган «салб юриш»лари, «совуқ уруш» ва ҳуружлар янада кучайтирилди.

Лекин бутун-бутун халқлар ва мамлакатлар бунга кўриб-билиб турибдилар. Европа ва бошқа қитъаларда тинчлик учун кураш ва антиракета ҳаракатининг ўта кучайганлиги ва кескин тус олганлиги, НАТО ва Пентагондаги лўттибозларнинг чалғитишларига қарамай, Америкаликнинг қанотли ракеталарига «қанотли ўлим» деб баҳо берилганлиги бунга мисолдир.

Расмий Вашингтон, ўз халқлари ва мамлакатлари тақдирини ўйламай, «Першинг — 2» ва қанотли ракеталарга йўл очиб берган Рим, Лондон ва Боннданги расмий доиралар қанчалик уринмасинлар, халқлар оқин қорадан яхши ажратиб оладилар ва тинчликка қарши қилинган бу ножўя қадамни тийиб қўйишга қодирдирлар.

Инсоннят яхши умид ва орзулар билан янги — 1984 йилни кутиб олмоқда. Янги йил қадами қутлуғ, ҳамма қитъалар ва халқлар учун тинчлик йили бўлишига тилакдошмиз.

Талъат СОЛИЕВ.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ВАРШАВА. Халқ Польшаси рангли металлургияси тўнғичи — Легницдаги мис эритиш заводининг коллективи бу корхона ташкил этилганлигининг 30 йиллигини нишонлади.

Бу завод иккинчи жаҳон урушидан кейин Польшага қайтариб берилган республика ғарбий территориясида қурилган биринчи йирик саноат объектидир. Эндиликда ана шу машҳур корхона халқ хўжалигига йилига қариб 80 минг тонна қимматли хом ашё бермоқда. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулот кўпгина чет мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда. Корхонадан маҳсулотни Совет Иттифоқи энг кўп харид қилмоқда.

* * *

ПРАГА. Брно ва Тньнец — Сазовой шаҳарларидаги машинасозлик заводлари кичик гидроэлекростан ц и я лари учун турбиналарнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Бу эса Чехословакияда ана шундай ГЭС тармоқларини ривожлантириш перспектив программаси бажарилишига корхоналар кўшган конкрет ҳиссадир.

Мутахассислар н и н г фикрича, мамлакатда дарёларда ва тоғ сойларида 14 мингдан кўпроқ кичик ГЭС қуриш учун имконият бор. ЧССРдаги гидроэнергетика ресурсларидан тўла фойдаланиш ҳар йили 3,5 миллион тонна кўмир тежаш имконини берган бўлур эди. Шу боисдан бу ерда кичик ГЭСлар учун замонавий трубиналар ва генераторлар яратишга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Келгуси йили ЧССРда 400 га яқин ана шундай машина-ускуналар комплекти ишлаб чиқарилади.

* * *

КОБУЛ. Бу ерда Афғонистон пойтахтидаги лицейлар ва мактабларнинг ўқувчилари учун учта қишки маданият маркази очилди. Йигит ва қизлардан ўн икки минг киши қишки каникул давомида Кобулнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб мароқли экскурсия қилади. Афғонистоннинг миллий музейларини бориб кўради, ижодий конкурслар ва спорт мусобақаларида қатнашади. Афғонистон Демократик Ёшлар Ташкилотининг активлари республика маданият давлат комитети ва маориф министрлиги ёрдами билан ёшлар дам олишининг махсус программаларини ишлаб чиқдилар.

ЯНГИ САМОЛЁТ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

ПАРИЖ. НАТО блокидаги Франция, ГФР, Англия, Италия ва Испания қуролли кучлари штаблари бошлиқларининг яқинда Ғарбий Германияда бўлиб ўтган кенгашида шу мамлакатларнинг ҳарбий ҳаво кучлари учун кўп мақсаддаги янги жанговар самолёт лойиҳасини ишлаб чиқа бошлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Франция миллий мудофаа министрлигининг пресс-бюллетенида шу гап маълум қилинган. Янги жанговар самолёт 90-йилларнинг ўрталарида тайёрлаб топширилмоғи лозим.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР АЁЛ

ОТТАВА. Канада парламенти жамоалар палатасининг спикери Жанна Совэ Канаданинг генерал-губернатори қилиб тайинланди. Бош министри П. Трюдо шу гапни маълум қилди. Ж. Совэ келаси йилнинг январидан ўз янги вазифаларини бажаришга киришади.

Канада конституциясига мувофиқ Англия қироличасининг вакили бўлмиш генерал-губернатор беш йил муддат билан тайинланади. Мамлакат тарихида илк бор аёл киши шу юксак давлат лавозимини эгаллайди.

Морис Бишопни ким ўлдирган?

ДЕҲЛИ. Бу ерда чиқадиган «Нью уэйв» ҳафтаномаси шундай фактларни эълон қилдики, улар Гренада бош министрини Ф. Бишопнинг ўлдирилиши ва ҳукумат аъзоларининг ҳибсга олинишида АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг ҳиссасини ва ролини ёритиб берди.

Марказий Разведка Бошқармаси, деб ёзади «Нью уэйв» ҳафтаномаси, Гренадада бу мамлакатга Америкаликларнинг ҳужумчи бўлинмалари бостириб киришидан бир йил аввалроқ актив қўпорувчилик фаолиятини авж олдириб юборди. Орол оккупация этилганидан сўнг уни тарк этган гренадаликлардан бир неча кишининг гапларига асосланиб газетанинг ёзишича, МРБ Бош министри шахсий соқчиларининг бошлиғи Сефас Сент Поль деган кимсани ҳамда унга бўйсунадиган яна бир кишини қўлга олишга муваффақ бўлган. Шу киши Вашингтондан олинган буйруқни бажариб, М. Бишопни отиб ўлдирган.

МРБ шу ёвуз жиноят изини йўқотмоқчи бўлиб, ўзининг қотил агентини йўқ қилган, деб ёзади «Нью уэйв». Қотилнинг хонасидан жумладан махсус ажал дорилари топилганки, Америка жосуслари шулар билан Гренада бош министрини заҳарламоқчи бўлганлар. М. Бишоп ўлдирилишидан сал олдин шундай уринишлардан бири юз берган.

Президент Рейганнинг Гренададаги АҚШ граждан лари ҳаётига «хавф» борлиги тўғрисида айтган ҳамма гапларини Оқ уйнинг фармойишига биноан МРБ соҳталарини ҳамда ўз корлари тўқиб чиқарганлар. Рейган Америка аҳли ва афкор омма олдида ўзининг ваҳшиёна қадамларини шу тахлитда «оқлашга» урининг кўрди. Ҳозир Қўшма Штатлар Гренадани ўзининг ҳарбий базасига айлантириш ниятларини яширмаяпти. МРБ у ерда Кариб ҳавзаси мамлакатларига қарши қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жосуслик марказини ҳам барпо этмоқда. Марказий Разведка Бошқармасининг Гренададаги филиали Гондурас территориясида мавжуд Америка қўпорувчилик маркази билан биргалашиб ишлайди. Шу марказни АҚШ махсус хизмати барпо этиб, ундан Марказий Америка халқларига қарши эълон этилмаган уруш олиб боришда фойдаланаяпти.

(ТАСС).

Норвегия. АҚШ ва НАТО стратегларн тазйиқи остида Шимолий Европада ҳарбий тайёргарликни кучайтираётган Норвегия стортинги (парламенти) 1984 йил учун ҳарбий харажатларнинг яна анча кўпайтирилишини маъқуллади. 1984 йилда ҳарбий мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар умумий ҳажми 12,9 миллиард кронни ташкил этади. Бу эса бу йилги ҳарбий мақсадлар учун ажратилган маблағдан 900 миллион крон кўпдир.

СУРАТДА: НАТО қўшинлари Норвегия территориясида химиявий уруш олиб бориш усулларини ўрганмоқдалар.

Камера пресс — ТАСС фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

К. Д. УШИНСКИЙ НОМИДАГИ ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ маорифи ходимларининг малакасини ошириш ишидаги хизматлари, педагогика фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун ва ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1983 йил, 29 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми педагог кадрлар малакасини ошириш ишидаги хизматлари, актив илмий, педагогик, жамоат фаолияти учун ҳамда К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтининг 50 йиллиги муносабати билан: институт ректори Муҳсин **Одилов**, проректори Салтанат **Ҳайдарова** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»**, институт доценти ўртоқ Раҳим Комиловичга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** фахрий унвонлари берди.

К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Тошкент Давлат музикали комедия театрининг артисти ўртоқ Фаина Иосифовна **Оленевага** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика совет органларида узоқ йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилгай кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бўлимининг катта консультанти ўртоқ Абдусамад Зоировичга **Назаровни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Тартиб посбонлигида

Кеча шаҳар партия комитетида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ранслигида кўнгилли халқ дружиначилари шаҳар штабининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда кўнгилли тартиб посбонлари Чилонзор район ташкилотининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда районда кўнгилли халқ дружиналарининг 91 штаби ишлаб турганлиги, уларга 7 мингдан зиёд киши жалб этилганлиги таъкидланди. Мажлисда мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

● ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

Ҳар бир фаннинг ўз олими, ҳар бир олимнинг ўз олами бор: Шукур Толипов — химик, Аҳрор Тўлаганов — биолог. Химия билан биология ёндош, қариндош, кўп нуқталари туташ бўлса-да, ўз муаммоларига, катта-кичик тармоқларига эга йирик, мустақил фан соҳаларидир.

Профессор Шукур Толипов эллик йилдан бери аналитик химия билан шуғулланиб келади. Олимнинг химия фанига бағишланган кандидатлик ва докторлик диссертациялари, беш юздан ортиқ илмий-назарий мақолалари, тадқиқотлари, лабораториядаги тажрибалари, саноат объектларидаги ишлар диққатга сазовордир. Шукур Толипов 70 дан ортиқ фан кандидати, тўрт фан доктори етиштирган устоздир.

Аҳрор Тўлаганов эса биология ва зоологияга бирдек даҳлдор — фитогельминтология билан ярим асрдан бери муттасил шуғулланиб келади. Унинг ўсимликлар ва тупроқ ҳақидаги қўш диссертацияси, салмоқли китоб ва монографиялари, 40 дан ортиқ илмий экспедиция пайтида колхоз ва совхоз далаларида ўтказган тажрибалари биология фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Олим шогирдларидан 30 фан кандидати, тўрт фан доктори етиштирди.

Бу икки олимнинг ҳаёт йўли муштараклашиб кетган. Иккиси ҳам В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг бақувват устунларидан, республикада хизмат кўрсатган фан арбоблари дир. Қарангки, Аҳрор Тўлаганов ўз соҳаси бўйича биринчилардан бўлиб фан кандидати, доктори унвонига эришди. Шукур Толипов ҳам химия фани бўйича биринчи фан кандидат, доктори бўлди.

Ҳар икки олимнинг илмий камолоти, профессионал балоғатида бағри кенг, олийҳиммат рус олимларининг хизмати, ҳиссаси каттадир. Ш. Толипов Москва химия мактабида, А. Тўлаганов Ленинград зоология мактабида етишгани, номи жаҳонга машҳур алломалар катта ёрдам, ғамхўрлик кўрсатишганини камоли эҳтиром билан эслашади, устозлари ҳақида оғизларидан бол томиб гапиришади.

Шукур Толипов Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги. Чимкент химия-технол о г и я институти, Қарағанда Давлат университети аналитик химия кафедраларининг илмий консультанти. Кўпгина шогирдлари Қозоғистондан, бошқа республика, шаҳарлардан ҳам шогирдлари анчагина.

Аҳрор Тўлаганов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати. Шогирдлари ҳақида фахрланиб гапиради. У Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ)да ректорлик қилган йилларида янги илмий кучлар, айниқса, фан докторлари етиштиришга алоҳида эътибор берди.

Таниқли олимларимизнинг номлари чет элларда ҳам маълум. Шукур Толипов 1958—1959 йилларда Вьетнам Демократик Республикасида илмий-педагогик командировкада бўлди, Ханой политехника институтида олимлар, ўқитувчиларга лекциялар ўқиди, суҳбатлар ўтказди, тажрибалар қилди, «Дўстлик» олтин медали билан тақдирланди.

Аҳрор Тўлаганов 1964 йили бир неча ой Озодлик ороли — Кубада фанимиз вакилларидан бўлиб турди. Цитрус экинлари нематодлардан қаттиқ зарарланиб, ҳосили камайиб, сифати пасайиб кетаётган эди, бунинг олдини олиш, чора-тадбирлар кўриш лозим эди. Профессор билими, тажрибасини ёш ҳамкасблари билан баҳам кўрди, лекциялар ўқиди, суҳбат, консультациялар ўтказди, Куба Фанлар академияси Ботаника институтида фитогельминтология лабораториясини очишга яқиндан кўмаклашди.

Коммунист, олимларнинг эл-юрт ишига садоқати, ҳаётда, илмда эришган барча муваффақиятлари, эришган обрў-эътиборлари, фазилат-ҳислатларини бир нуқтага

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

14 ЯНВАРЬ — 4 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ

КАТТА ТОМОШАЛАРИ «МУЗ УСТИДА БАЙРАМ»

ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

ПРОГРАММАДА ҚАТНАШАДИЛАР:

Жаҳон ва Европа биринчиликларининг беш карра кумуш медаль совриндори, Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори, халқаро классдаги СССР спорт мастери

ЛЮДМИЛА СМИРНОВА

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг тўрт карра чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

АЛЕКСЕЙ УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: И. ФИЛИППОВА, Л. ЛИТВИНЕНКО, А. ЯКОВЛЕВ; СССР Кубоги эгаси, СССР спорт мастери А. ПОГОДИН ва бошқалар.

Бош балетмейстер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, балетмейстерларнинг Бутуниттифоқ конкурси лауреати Константин РАССАДИН.

ТОМОШАЛАР 14, 17, 18, 19, 20, 24, 25, 26, 27, 31 январь, 1, 2, 3 февраль кунлари соат 19.30 да; 15, 21, 22, 28, 29 январь ва 4 февраль кунлари соат 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Кассалар ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.
Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:
КАССА — 46-03-12, 46-70-31;
АДМИНИСТРАТОР — 46-68-77, 46-07-53.

СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАНГ!

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ 10-МАКТАБ-МАГАЗИНИДА БУ КАСБНИ 6 ОЙДА ЭГАЛЛАШ МУМКИН.

Сотувчи касби зарур ва фахрли касблардан биридир. Сотувчига кишиларга хизмат қилишдек шараф ишониб топширилган. Сотувчи доимо хушмуомала ва эътиборли, маълумотли ва мулойим бўлиши, харидор психологиясини тезда билиб оладиган бўлиши лозим.

МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Қабул кириш имтиҳонларисиз ўтказилади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Ўқувчиларга ҳар ойда 63 сўмдан стипендия тўланади.
Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқиш давомида Сиз товаршунослик, Совет савдосини ташкил этиш, экономика, Совет ҳуқуқи фанларни бўйича билим эгаллашингиз мумкин. Амалий машғулотларда эса келажак ишингизда зарур бўладиган меҳнат кўникмаларини эгаллайсиз.

Ўқишни тугатганларга маданий молларнинг кичик сотувчиси унвони берилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки-ишчи ёшлар ёки Совет савдоси техникумида ўқишлари мумкин.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 91-30-10, 53-47-24, 53-47-25.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

БОЛАЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ИССИҚ ПОЙАФЗАЛ

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 4-МАГАЗИНИ САВДОСИДА

ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД:

юқори қисми табиий лакдан ишланган шнурли болалар ботинкалари, размери 14,5—16,5. Баҳоси —8 сўм 40 тийин;

ипли ботинкалар, юқори қисми чарм ва лак комбинация қилиниб ишланган, размери 14,5—16,5. Баҳоси —7 сўм 10 тийин;

ипли чарм ботинкалар, размери 17—18. Баҳоси — 6 сўм 10 тийин;

ички қисми сунъий мўйна қўйиб иситилган ботинкалар (чарм ва лакдан), размери 17, 19,5. Баҳоси — 10 сўм 80 тийин;

кундалик кийишга мўлжалланган чарм ботинкалар, размери 14,5—16,5. Баҳоси — 4 сўм 95 тийин;

кундалик кийиш учун чарм ботинкалар, размери 14,5—16,5. Баҳоси —4 сўм 95 тийин;

устки қисми лакдан ишланган кўркам ботинкалар, давлат Сифат белгиси билан чиқарилади, размери 17, 19. Баҳоси — 12 сўм 50 тийин;

ички қисми сунъий мўйна қўйиб иситилган ботинкалар, устки қисми лакдан ишланган, размери 17, 19. Баҳоси — 11 сўм 90 тийин;

Янгийўл пойафзал фабрикаси маҳсулоти.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь бозори (4, 18-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технологик бюроси.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 42-95-91).

ОЛТИН УЗУК БАХТЛИ ЙЎЛДОШИНГ БЎЛСИН



Бинафша тусли шаффоф ёқут, қизғиш ёқут ёки феруза кўзли олтин узук сизнинг бир умрли бахтли йўлдошингиз бўлсин. Бу қимматбаҳо тошлар асл металлар билан ишланган зебу-зийнатларда муносиб кўз бўла олган.

Одамлар қадим-қадим замонлардан буён бахт ато этувчи бу қимматбаҳоли тошларнинг қудратига ишонганлар ва бу тошларнинг ҳар бири ўзига хос афсонага айланган, ўзида қудратли сеҳрли куч яратган. Яшма тошини олиб кўрайлик. У ўзида қуёш нурининг барча жилосини — сариқ-қизил рангдан тортиб то қора ранггача бўлган жилвасини мужассамлаштирган. Жаҳонда бирорта тош йўқки бўёқларнинг бундай гўзаллигини ярата олган бўлсин. Қадимий Русда яшма тоши ҳақида шундай афсоналар тўқишган. «Гўё у тош инсон қалбини нурафшон этиб, ғам-ғуссани ёзар эмиш, тафаккури ва қудратини ошириб, хотираси ва кучига-куч қўшар эмиш».

Қадимий юнонлар олмос тошини емирилмас, синмас, бўлинмас деб баҳолаганлар. Бу тошнинг ўхшатишлари бир талай! Санаб саноғига етиб бўлмайди. Бу баҳоларнинг ҳаммаси «энг олий, энг олий» деб бошланади.

«Олтинсимон» товланиб турадиган тош — қаҳрабонинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳам кўпгина афсоналар бор. Қаҳрабо тоши алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган — у бало ва қазолардан сақлайдиган қудратли сеҳрли тош деб ҳисобланган.

Қадим замонларда одамлар ҳар бир ойга монанд келадиган тошларга ишонганлар. Бу тошлар кимнинг қўлига тушиб қолса ўшанга бахт ато этган. Ёқут тош — жонлантиради, нефрит тоши дарддан халос этади, қизғиш сердолика тоши кишини хотиржам қилади, яна аллақайси тошлар муҳаббатни излаб топишда мададкор бўлар эмиш...

Бу тошларга ишонадиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди. Лекин ёқут тошлар ва олтиннинг абадий гўзаллиги қўли гул устанинг берган сайқалидан кейин бугунги кунда ҳам диққатимизни жалб этмоқда.

Олтиндан ишланган зебу-зийнатларни танлаётганингизда унинг кўзгусига ҳам эътибор беринг. Сизнинг туғилган ойингиз монанд келадиган тош «бахтиёр» этади.

Қадим-қадим замонлардан буён бизгача етиб келган «ёқут кўзли тошлар календари» қуйидагича талқин этилган:

Гранат ва гиацинт ёқут тоши — ЯНВАРДА,
бинафша тусли аметист тоши — ФЕВРАЛДА,
зумрад аквамарин, яшма тоши — МАРТДА,
гавҳар, кўк ёқут — АПРЕЛДА,
зумрад — МАЙДА,
марварид, ҳақиқ, ақиқ — ИЮНДА,
рубин ёқути, қизғиш сердолик — ИЮЛДА,
яшил ва қизғиш ёқут тош—АВГУСТДА,
олтиннамо яшил хризолит, қизғиш сердолика тоши—СЕНТЯБРДА,
опал, берилл-зумрад тоши — ОКТЯБРДА,
топаз тоши —НОЯБРДА,
феруза, хризопраз тоши — ДЕКАБРДА ТУҒИЛГАНЛАР УЧУН МОС ТУШАДИ.

БУ ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР МУНОСИБ ЙЎЛДОШИНГИЗ БЎЛСИН!

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон—42-95-91).

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР-РАССОМЧИЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ

ЎҚУВ ТЕАТРИНИНГ РЕПЕРТУАРИ

Я. ГОРДИН.

3, 4, 5, 6, 7 январь • соат 11.00 ва 13.00 да. **ШОНЛИ БИЛЬБО БЕГГИНС ҲАҚИДА БАЛЛАДА** (инглиз эртаги. Рус драмаси 4-курсининг диплом спектакли).

В. РОЗОВ.

13 январда — **«ЭРКАКЛАРГА САБОҚЛАР»** комедиялар оқшоми. (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Ким айбдор?» ва «Туҳматчилар жазоси» пьесалари асосида ўзбек драмаси 4-курсининг диплом спектакли).

14, 21 январда — АНЪАНАВИЙ ЙИҒИЛИШ.
Икки кўринишли поэтик драма.
(Рус драмаси 4-курсининг диплом спектакли).

Д. ВЕРДИ.

16 январда — ТРАВИАТА.
Тўрт кўринишли опера.
(Музикали театр бўлими рус группаси 5-курсининг диплом спектакли).

УИҒУН, ИЗЗАТ СУЛТОН.

20 январда — АЛИШЕР НАВОИЙ
Икки кўринишли поэтик драма
(Ўзбек драмаси 4-курсининг диплом спектакли).
28 январда — «ЭКСПЕРИМЕНТ» КЛУБИ.

Театр институтининг Э. Каландаров раҳбарлигидаги «Дебют» чолғу ансамблининг учрашув концерти.
Спектакллар соат 19.00 да бошланади.

56-45-68 телефон орқали билетларни буюртириш мумкин.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй.

Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ САНЪАТ ШИНАВАНДАЛАРИ!

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлари кўриги — конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукфотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати
Анвар РУСТАМОВ

Солистлар: Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Раҳима НОСИРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МУМИНОВ.
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТВ

30 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Ўн икки ой». 18.45 «Фан ва турмуш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Мультфильмлар. 20.00 «Яхмалакда». ССР Иттифоқи Давлат академик халқ рақс ансамбли ижросида хореографик миниатюра. 20.25 «1983 йил қўшиқлари» телевизион фестивалининг якунловчи кечаси Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «1983 йил қўшиқлари». Останкино концерт студиясидаги кечанинг давоми. 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Арча байрамида эҳтиёт бўлинг». Енгинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳақида мультфильм. 19.00 «Қишлоқ янгиликлари». 20.00 «Москвадан гапирамиз!». Москва шаҳар радиотрансляция тармоғининг 50 йиллигига. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сизга манзур адабиётлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бу ер бизнинг уйимиз». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Хат ташувчи қор бола». Мультфильм. 18.05 «Тошкент Янги йил арафасида». 18.30 Болалар учун. «Қорбобо шаҳар бўйлаб борарди». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевиденнеси ва радиоси мақомчилар ансамбли ижросида мақомлардан парчалар». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Кинокомедия. 23.30 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Қутлуғ қадам». Телевизион бадиий фильм. 18.45 «Бу оперетта...» Музикали телефильм 19.45 Янгиликлар. 20.05 «Вахт кулиб боққанда». Кинокомедия (рус.). 21.30 МТ II

31 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Спортлотонинг 53-тиражи. 9.50 Халқ ҳунармандчилиги ҳақида ҳужжатли фильмлар: «Сирин қушнинг сири». «Гиламлар ҳақида достонлар». 10.20 «Э. Григ. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун до минор сонатаси». Фильм-концерт. 10.50 Болалар учун фильм. «Денис Кораблёвнинг ғаройиб саргузаштлари». 1- ва 2-сериялар. 13.00 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти. 13.40 «Дунё воқеалари». 13.55 «Мультконцерт». 14.35 «Инсон. Ер. Коинот». 15.20 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнали. 16.05 «Крилов масаллари ва ҳазил қўшиқлар». Фильм-концерт премьераси. РСФСР халқ артисти А. Покровский ижро этади. 17.10 «Ўтган йилги қор ёғарди». Мультфильм. 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 «Камалак» жилолари». Халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программалар V халқаро фестивалининг якунловчи концерти. 19.45 Болалар учун мультфильм. 20.10 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 «Время». 22.05 «Рақслар, рақслар, рақслар...» 22.35 «Қўшиғимиз сизга аталган ёки Яна Карнавал оқшоми». Киноконцерт премьераси. 23.35 Фигурачиларнинг Янги йил бали. 00.40 «Ватаним менинг». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.50 ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН, ЎРТОҚЛАР!». Совет халқига табрик. 01.05 «Янги йил базми». 04.35 «Юлдузлар Сизга табассум ҳада этади». Эстрада артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 ССР Иттифоқи Большой театри духовой оркестрининг концерти. 10.05 Болалар учун фильм. «Чук ва Гек». 10.50 «Саёҳатчилар клуби». 11.50 «Кийим, кечак ва фантазия». «Москвичка» телеклубига илова. 12.20 «Балли, қизлар!» Горький, Вологда, Москва, Рязань, Белгород, областлари қишлоқ хўжалик ходималарининг мусобақаси. 14.20 «Рус тулпори». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.50 «Кинотомошабин ҳамроҳи». Болаларга аталган фильмлар. 15.35 «Чўчқабоқар». Мультфильм. 15.55 «Тақдир ҳазили, ёки Қушдек енгил бўлинг». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

19.30 «Оперетталар олами». ГДРдан олиб кўрсатилади. 20.15 «Халқаро обзор». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Чанғи икки кураши бўйича жаҳон кубоги. ГДРдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Эркин шамол». Телевизион бадиий фильм премьераси. И. Дунаевский оперетласи мотивлари асосида. 1- ва 2-сериялар. 00.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги электр-чолғу ансамблининг концерти. 00.40 «Ватаним менинг». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.50 «ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН, ЎРТОҚЛАР!» Совет халқига табрик.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун мультфильмлар программаси. 10.55 Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 12.40 «Хива вақти билан роппа-роса соат етти...». Фильм-концерт. 13.10 «Аёз бобо». Бадиий фильм (рус.). 14.35 «Мен қўшиққа борлигимни бахш этдим». Киноконцерт.

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 18.00 Болалар учун концерт. 18.40 «Мультипанорама». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Катталар учун мультфильм. 20.00 «Қаҳрамон Дадаев чалади». Фильм-концерт» премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Цирк! Цирк! Цирк!» 21.30 Москва «Время». 22.05 «ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ». Янги йил байрам музикали программаси. 23.45 Янги йил табриги. 00.05 «Янги йил базми». Янги йил байрам музикали программасининг давоми.

Тожикистон телевидениесининг программаси

9.00—15.35 МТ II

18.00 Болалар учун. «Янги йил мўъжизаси». 18.30 Мультфильмлар. 19.00 «Новости». 19.20 Ҳужжатли фильм. 19.30 Телевизион миниатюралар театри. 20.00 «Ахбор». 20.25 «Аренадаги учрашувлар». Телефильм. 21.10 «Ванч тароналари». Ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм). 21.30 МТ II.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/XII да **Этик кийган мушук** (12.00). **Севги ҳақида қисса** (19.30), 31/XII да **Гўзал Василиса** (12.00), **Иоланта** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/XII да **Занжир**.

кино

30 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕГУНОҲ» —**Санъат саройи** (катта зал, 18.20, 20.30; кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-74).

«ТЕҲРОН— 43» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ЭКИПАЖ» —**Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«БОЛАКАЙЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Кўкча** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ЕНГИЛМАС» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«ШОССЕДАГИ УЧ КИШИ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО»—**Қозоғистон** (17, 18.20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ХАВФЛИ ҚУВИШ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ТОРПЕДОЧИ Л А Р »— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

31 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕГУНОҲ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.30; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-74).

«ТЕҲРОН-43» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ЭКИПАЖ» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«БОЛАКАЙЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Кўкча** тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ЕНГИЛМАС» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«ШОССЕДАГИ УЧ КИШИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ТОРПЕДОЧИЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

Ўрта Осиё темир йўлининг СИРДАРЁ РЕФРИЖЕРАТОРЛИ ВАГОНЛАР ДЕПОСИГА

барча ихтисосликдаги 3—5 разрядли слесарлар, 3—5 разрядли сувоқчи-бўёқчилар, газ-электр пайвандчилар, ҳаракатдаги составда ишлаш учун рефрижераторларнинг механиклар ва бошлиқлари

КЕРАК

Депо ишчилари темирйўлчиларнинг барча имтиёзларидан фойдаланадилар. Узоқ йил ишлаганлиги учун нафақа тўланади. Депо цехларида ишлайдиган ишчилар учун бир йил давомида квартира берилади.

Мурожаат этилсин: Сирдарё шаҳри.

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи нашриётнинг катта редактори Б. Қодировга отаси

Абдулла ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси, Куйбишев район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз қомитети халқ маорифининг кекса ходими, шахсий пенсионер

Саидҳожи СОЛИХУЖАЁВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлигининг «Ташсантехгазмонтаж» трести коллективи трест ходими П. М. Мансуровга онаси

Саодат МАЪМУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-19; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

ДЕКАБРЬ, 1983 й. Р—07487. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12